«XB FINANSE-KONSULTING” AT

Маъсулияти Чекланган Жамият шаклидаги «XB FINANSE-KONSULTING» аудиторлик ташкилоти томонидан « HAMROH INVEST » АЖ нинг 2015 йил 1 январидан 31 декабрига кадар бўлган даври учун тузилган куйидаги таркибдаги молиявий хисоботи текширилди:

- Бухгалтерия баланси - 1-шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шакл.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг рахбарияти жавобгар хисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий хисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофик ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий хисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз мумкинлигини такозо этади. Аудиторлик текшируви хакконийликни ва молиявий хисобот хамда бошка молиявий ахборотнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг хакикий холатига мувофиклигини бахолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «HAMROH INVEST» АЖнинг 2015 йил якуни буйича молиявий хисоботи унинг молиявий ахволини хакконий акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия туғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига мувофик келади.

Аудиторлик ташкилоти
Раҳбари,аудитор **З.З.Эгамбердиев**

2016 йил 25 февраль